

Дунёдаги йирик ифторликлар



20:10 / 07.05.2019 5459

Рамазоннинг энг ёқимли фурсатларидан бири, кун бўйи рўза тутиб, чанқаб, ажру савобдан умидвор бўлган инсоннинг дуо ва зикрда ифторлик вақтини кутиб ўтиришидир. Рўзадорга ифтор қилиб бериш савобидан умидвор халқимиз Рамазон ойи келиши билан қариндош-уруғ, яқин-дўст биродарларини чорлаб, бир-бирларини ифторликка таклиф қилишга одатланганлар.

Зайд ибн Холид ал-Жуханий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоху алайҳи васаллам: “Ким рўзадорни ифтор қилдирса, унга ўшанинг ажрича ажр бўлур. Шу билан бирга, рўзадорнинг ажридан ҳеч бир нарса кам бўлмас”, дедилар”.

Имом Термизий ривоят қилган.

Дунёдаги энг йирик оммавий ифторликларда қатнашган рўзадорлар ҳақида маълумот қуйидагича:

1. Саудия Арабистони - Мадинаи Мунаввара.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидлари бўлиб, ушбу Масжиди Набавийда 25000 рўзадор ифторликда қатнашган. Бу масжид ўзининг кўп минг кишилиқ ифторликлари билан ҳам оламда машҳурдир. Таомнома табиий сув, хурмо ва турли мевалардан иборат.

2. Эрон - Машҳад. Имом Ризо зиёратгоҳи майдонидаги ифторлик.

Ҳозир бўлган рўзадорларнинг адади - 12000 кишидан ортиқ.

3. БАА - Абу Даби шаҳри. Шайх Зайд масжидидаги йирик ифторлик.

Қатнашувчилар 22000-25000га яқин киши иштирок этган. Махсус оқ чодирлар тикилиб, дастурхон тuzатилади ва ифторликларни полиция назорат қилиб, тартибга солиб туради. Тиббий хизмат вакиллари ҳам хизматда шай туради.

4. Маккаи мукаррама - Масжидул Ҳарамдаги ифторлик.

Жаҳондаги энг йирик ифторлик дастурхони. Айрим йилларда ифторлик дастурхонларининг умумий узунлиги 12000 метр, яъни 12 километргача чўзилган экан.

5. Деҳли - Ҳиндистон. Жума масжидидаги ифторлик.

140 миллиондан ортиқ мусулмон истиқомат қиладиган мамлакатда ифторлик кичик бўлиши ҳам мумкин эмас.

6. Татаристон - Қозон шаҳридаги “Казань арена” даги ифторлик.

Ушбу ифторликда 10000 ортиқ рўзадорларнинг иштироки кузатилган.